# ҒАЛЛАКОР МАРДУ МАЙДОНЛАР СИЗНИ БУТУН ЭЛ ҚУТЛАМОҚДА

## ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА, ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ КОЛХОЗЧИЛАРИГА, СОВХОЗЛАРИ ИШЧИЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Тошкент области колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия ва совет ташкилотлари ходимларини, барча меҳнаткашларини давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариб, қўлга киритган катта меҳнат ғалабалари билан табриклайдилар.

Область колхоз ва совхозлари, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига муносиб совға тайёрлаб, 7 августга қадар Ватан омборига 4 миллион 703 минг пуд ёки бутун ўтган йилдагига нисбатан 2 миллион 300 минг пуд кўп дон топширдилар.

Ўз социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажарган Юқори Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармалари колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилдилар.

Дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтиришда Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Коммуна», «Ўзбекистон», «Гулистон», «Политотдел», Янгийўл бошқармасидаги Свердлов номли, К. Маркс номли, Бекобод бошқармасидаги Дзержинский номли, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм», «Полярная звезда», Свердлов номли колхозлар, 1-«Оҳангарон», «Кўкорол», 2-«Далварзин» совхозлари, Тошкент наслчилик совхози ва бошқа хўжаликлар намуна кўрсатдилар.

Кўпгина комсомол-ёшлар бригадалари юз центнерлик ҳосил учун курашнинг дастлабки босқичида ўз мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Свердлов номли колхоздан А. Усмонов, «Ленинизм» колхозидан М. Орипова, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Н. Жўрабоев, «Москва» колхозидан Д. Шоҳимардонов, «Правда» колхозидан С. Султонов ва бошқалар раҳбарлик қилган бригадалар ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб буғдой ва арпа олдилар.

Мамлакатнинг моҳир ғаллакорлари методи асосида иш олиб бораётган 312 механизациялашган звено ажойиб ютуқларга эришди.

1-«Оҳангарон» совхозидан И. Холбоев, Тошкент наслчилик совхозидан Х. Баймаков, Ўрта Чирчиқ бошқармасидаги «Коммунизм» колхозидан Н. Нигматуллин, «Полярная звезда» колхозидан М. Ким, «Кўкорол» совхозидан М. Аханов ва П. Шарипов каби комбайнчилар ва бошқа ўнлаб механизаторлар юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Донни қабул пунктларига ташишда «Кўкорол» совхозидан Х. Содиқов ва Х. Жалилов, Тошкент наслчилик совхозидан В. Колясников, Т. Мубетов ва бошқа кўпгина шоферлар намунали меҳнат қилдилар.

Шунингдек область колхоз ва совхозлари пилла етиштириш йиллик планини, гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш ярим йиллик планларини ошириб бажардилар.

Картошка ва сабзавот экинлари майдонлари анча кенгайтирилди. Ҳозир далаларда экинларни парвариш қилиш қизғин давом этмоқда. Сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, узум тайёрлаш кучайтирилмоқда. Умумиттифоқ фондига 18 минг тоннадан ортиқ сабзавот жўнатилди, шундан 12 минг тоннадан кўпроғи Москва ва Ленинград шаҳарларига юборилди.

Бу муваффақиятлар колхозчилар ва совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнати туфайли, ишлаб чиқариш бошқармалари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, областдаги барча қишлоқ хўжалик мутахассислари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар натижасида қўлга киритилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети Тошкент области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 150 минг пуд бошоқли экинлар маҳсулоти ва йил охиригача 500 минг пуд шоли сотадилар, дон етиштиришни кўпайтириш учун бундан буён ҳам қатъият билан кураш олиб борадилар, бу йил кузги дон экинларини ўз вақтида экиб оладилар, луб экинлари парваришини яхши ташкил этадилар ва бу соҳадаги мажбуриятларини ҳам бажарадилар, етарли миқдорда емхашак тайёрлайдилар, гўшт, сут, тухум ва жун етиштиришнинг кўпайтирилишига эришадилар, шаҳар аҳолисини сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти билан таъминлаш чораларини кўрадилар, меҳнатда жасорат кўрсатиб, Ватан олдидаги ўзларининг асосий мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, яъни 315 минг тонна пахта етиштирадилар ва давлатга сотадилар ҳамда интенсивлаш асосида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтирадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

11-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 155 (2703).

8 август ШАНБА 1964 йил.

БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

## КАРВОНЛАР КЕЛАДИ

*Бекобод билан Бўка орасидаги бепоён адрларнинг олтин ҳосили катта хирмон бўлган. «Кўкорол» совхозининг азамат ғаллакорлари бу йил зўр ғайрат кўрсатиб, кенг майдонларда юқори ғалла ҳосили етиштирдилар.*

*Совхоз комбайнчилари ва бошқа жойлардан ғалла ўрим-йиғимига ёрдамга келган кишилар олтин бошоқларни қисқа муддат ичида йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилдилар.*

*Ғаллани хирмон жойларга келтириш ва Бекобод ҳамда Чиғириқдаги давлат омборларига элтиб топширишда кўп автомашиналар талаб этилади. Область автомобиль тресги совхоз ғалласини белгиланган жойларга ташиб беришда 87 та автомашина ажратди.*

*Июнь ойининг ўрталарида Бўка автобазасидан 20 та самосвал ва бортли юк машиналари йўлга чиқди. Пискент автобазасидан 30 та, Бекободдан — 25 та, Алимкентдан — 12 та юк машиналари «Кўкорол» ғаллакорларига ёрдамга келди.*

*Бир неча юз километрларга чўзилган ғаллазор адрларда, шунингдек давлат омборларига элтадиган йўлларда моторлар овози кеча-кундуз гувиллаб эшитилиб турди.*

*Пискент автобазасидан келган Сидиқжон Тошматов бошлиқ шоферлар колоннаси яхши намуна кўрсатиб ишладилар. Бу колонна составида ишлаган Жавод Нуриев, Энвер Чилингер, Юсуф Сидиқов, Махфират Сатимовалар комсомол-зарбдор шоферлар колоннаси номини олиш учун курашдилар. Бу колоннанинг ҳар бир шофери кундалик ғалла ташиш нормасини 130—150 процентга етказиб адо этдилар.*

*Илғор шоферларнинг ташаббусини бошқа жойлардан келган шоферлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Бекободдан келган Исмоилжонов, Қораев, Арнаровлар, Бўкадан келган Турғун Сарсинбоев, Худойберди Бўриев, Халил Жамилов, Уммат Тошбоев, Ботирали Хўжақулов, Виктор Кукса ва бошқа шоферлар машиналарини яхши аҳволда сақлаб, белгиланган нормадан ортиқроқ ғалла ташидилар. Уларнинг кучи билан совхознинг ярим миллион пудга яқин ғалласи қисқа муддатда ташиб олинди.*

*Паст-баланд қирларда, жазирама ёзнинг ҳароратли кунларида машиналар бирин-кетин ўтиб боради. Бу машиналарда элнинг олтин ҳосили бор. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ғалла ташиётган шоферларни кўриб балли азаматлар, дейсиз.*

*Н. ЭГАМНАЗАРОВ.*



Областимизнинг серҳосил олтин бошоқ далаларида.

В. Салов ва М. Нуриддинов фотолари.

## ҒАЛЛА ФРОНТИНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ



С. АСҚАРОВ,
«Кўкорол» совхозининг илғор комбайнчиси.



В. ЧУПАХИН,
Оққўрғон бошқармасидаги «Ленинобод» колхозининг илғор комбайнчиси.



А. ИБРОҲИМОВ,
Тошкент наслчилик совхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.



З. МИРАЗИМОВ,
Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

## *1.000.000 ПУД УЧУН КУРАШАМИЗ*

Республикамизнинг шонли 40 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Бўка ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари ишда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Бошқарма меҳнаткашлари Ватан омборини ғаллага тўлдиришга айниқса самарали хисса қўшмоқдалар. Улар социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга дон сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли суратда бажардилар. Бошқармамиз 5 августга қадар 850 минг пуд дон топширилди.

Ўтган йилга нисбатан давлатга 9950 тонна кўп ғалла сотдик. Бошқармамиз меҳнаткашлари эришилган бу ютуқ билан кифояланиб қолишмайди. Биз давлатга кўплаб ғалла топшириш юзасидан бундан кейин ҳам тинмай меҳнат қиламиз. Яна минг тонна гурунч, 200 тонна жўхори етиштириб берамиз. Биз бутун куч ва имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, бу йил ҳаммаси бўлиб давлат омборларига 1.000.000 пуд дон тўкишга қарор қилдик.

Ғаллакорларимиз ўтган йилларга нисбатан анча яхши ишладилар. Ғалла майдонларини бир йил давомида 1,8 мартага кўпайтириш билан бирга, ердан яхшироқ фойдаланишга ҳам муваффақ бўлдилар. Ҳосилдорликни ошириш соҳасида барча агротехника тадбирлари қўлланилди. «Кўкорол» совхозининг ғаллакорлари, айниқса бу соҳада яхши иш қилишди. Улар деҳқончилик маданиятини юқори даражага кўтарганликлари сабабли ўтган йилга нисбатан 6067 тонна кўп ғалла сотдилар. Шунингдек «Бўка», 1-«Пискент» совхозларининг ғаллакорлари ҳам дон етиштириш ва давлатга сотишда катта ғалабани қўлга киритдилар.

Калинин номли, Свердлов номли, Тельман номли, Ҳамза номли, Охунбобоев номли, «Гулистон», «Ленинизм», Мичурин номли, Жамбул номли, Ильич номли, Карл Маркс номли ва бошқа кўпгина колхозларнинг азамат ғаллакорлари даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олдилар ва давлатга ғалла сотишда мақтарли иш қилдилар. Бу хўжаликлар ҳам ўтган йилга нисбатан жуда кўп миқдорда ғалла сотишга муваффақ бўлдилар.

Мўл дон етиштиришда бошқармамизнинг комсомоллари олдинги сафларда бордилар. Улар экин майдонларидан самарали фойдаланиш ва бир ердан икки марта ҳосил олишда зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Ёшлар суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил олиш учун кураш бошлашган. Свердлов номли колхознинг Аблаёров, Калинин номли колхознинг Маматқулов, Мичурин номли колхознинг Гапченко ўртоқлар бошлиқ звеноларининг ғаллакорлари меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлишди. Улар суғориладиган ерлардан 25-32 центнердан дон олдилар. Шу билан бирга бўшаган ерларга иккинчи марта экин экиб қўйдилар. Мўл ҳосил етиштириш йўлида тинмай ишлаётган бундай пешқадам звенолар бизда жуда кўп.

Бошқармамизда йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил қилишда жуда кўп комбайнчилар намунали меҳнат қилдилар. Бу йилги мавсумда 70 дан ортиқ комбайн қатнашди. Берман Шарипов, Сергей Тишченко, Усен Кенишбоев каби комбайнчиларимиз 300-355 гектардан ернинг ғалласини ўриб беришди ва янчдилар.

Бошқармамиздаги колхоз ва совхозларнинг ғаллакорлари давлатга дон сотишни давом эттириш билан бир қаторда уруғлик фондларини жамғариш учун ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Улар кузги дон экишни қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўраётирлар. Биз техникадан моҳирлик билан фойдаланиш ва ерларни барвақт ҳайдаб қўйишни амалга ошириш юзасидан зарур тадбирлар белгилаяпмиз.

Т. РАЖАБОВ,
Бўка бошқармаси партия комитетининг секретари.

И. ЮНУСОВ,
ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

Р. ҚОДИРОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

# ҲАР БИР РАҲБАР ВА МУТАХАССИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ, ХЎЖАЛИКНИНГ КОНКРЕТ ТАРМОҒИНИ ЧУҚУР БИЛСИН

## *Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг Волгоград область Котельниково ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Россия» колхози раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбати*

5 август Волгоград область Котельниково ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Россия» колхозининг аъзолари учун унутилмас кун бўлиб қолади. Шу куни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев уларнинг хўжалиги билан танишмоқ учун келди. Колхозчилар азиз меҳмонни қизғин ва самимий табрикладилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев далаларга чиқиб, маккажўхоризорларни кўздан кечирди. Шундан сўнг хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, активлар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди. Колхоз раиси Н. Е. Носов хўжаликнинг ишлари ва ютуқлари ҳақида, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида гапириб берди.

«Россия» колхози маҳсулот етиштиришни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда. Бу колхозда деярли 9 минг гектар майдонда кузги ва баҳори буғдой, арпа, тариқ етиштирилмоқда. Экин майдонлари структурасида маккажўхори катта ўрин тутади. Маккажўхоризор пайкаллар 1.400 гектар ерни эгаллаб ётибди. Артель фермаларида 2.300 бош қорамол, 3.600 та қўй, 3.100 та чўчқа бор. Яқин ўтмишда колхоз қолоқ эди, ҳозир эса, ишлаб чиқариш бошқармасидаги илғор хўжаликлардан биридир. Бу ерда сўнгги йиллар мобайнида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди.

«Россия» колхозининг аъзолари бу йил ҳам яхши ишладилар. Улар ҳар гектар ердан 17 центнер буғдой ва 22 центнер арпа йиғиштириб олмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида давлатга 400 минг пудга яқин дон сотилди. Лекин артель меҳнаткашлари мамлакатга 700 минг пуддан кўпроқ дон бериш учун курашмоқдалар. Бу, ўтган йилдагидан икки баравар ортиқдир.

Н. С. Хрушчев артель раҳбарлари ва мутахассислари билан суҳбатлашган вақтда, колхозларга раҳбарлик қилиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигини интенсивлашга доир кўпгина масалалар тилга олинди. Қисқа шаклда ёзиб олинган ана шу суҳбат қуйида келтирилмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев дон ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда колхоз қўлга киритган ютуқларни қайд қилиб ўтгач, экилаётган буғдой навлари тўғрисида, далаларга солинаётган ўғитлар ҳақида, фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга қандай жорий қилинаётгани ҳамда колхоз экономикасини ривожлантиришнинг бошқа баъзи масалалари тўғрисида гапириб беришни колхоз раисидан илтимос қилди.

**Н. С. Хрушчев.** Ҳозир илм-фан ишлаб чиқариш олдида катта имкониятлар очиб бермоқда. Бу селекция мисолида айниқса яққол кўриниб турибди. Селекционерлардан П. П. Лукьяненко, В. Н. Ремисло, Ф. Г. Кириченко ва бошқалар буғдойнинг ажойиб навларини яратишди. Яқинда ўртоқ Кириченко менга янги буғдой навининг намунасини юборди. Мамлакатимизда биринчи марта яратилган бу қаттиқ донли кузги буғдой «новомичуринка» деб аталади. Унинг ҳосили беш йилда гектар бошига ўрта ҳисобда 40 центнер бўлибди. Биз уруғчиликни шундай ташкил этишимиз керакки, бунинг натижасида энг серҳосил навлар учун далаларга йўл очиб қўйилсин. Колхозингиз далаларида қандай янги навлар экилмоқда?

**Н. Е. Носов** (колхоз раиси). Биз «безостая-1» буғдойининг таърифини кўп эшитган эдик. Ўтган йили ана шу навни синаб кўришга аҳд қилиб, қўшниларимиздан биринчи репродукция уруғларини сотиб олдик. Бизда «безостая-1» 80 гектар ерга экилди. Бу, ишнинг бошланиши эди, лекин натижаси яхши бўлиб чиқди. Гектар бошига 17 центнер дон олдик. Бизнинг қурғоқчилик зонамизда бундай ҳосилни жуда кўнгилдагидек ҳосил, деб ҳисоблаш мумкин. Бу йил ўз хўжалигимизда етиштирилган юқори сифатли уруғларимиз бор ва «безостая»ни 415 гектарга экамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

